



**БОЛАЛАРГА ТАЪСИР КЎРСАТИШНИНГ КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ
УСУЛЛАРИ.**

Алиқулова Мухайё Исроиловна

*Қўқон Университети Психология факультети бакалавр. Турк тили
таржимони.*

Annotation: This article examines effective ways of communicating with children and methods of providing positive educational influence on them. It highlights the importance of trust, respect, and a psychological approach in the process of child upbringing. Special attention is paid to the formation of discipline, responsibility, and constructive interaction skills, taking into account children's age-related and psychological characteristics. The article also analyzes the most common mistakes made by parents and educators in communicating with children and offers practical recommendations for preventing them. The material is of practical value to parents, teachers, and all professionals working with children.

Keywords: child upbringing, child psychology, communication with children, pedagogical approach, discipline, responsibility, trust, respect, family education, pedagogical mastery.

Аннотация: В данной статье рассматриваются эффективные способы общения с детьми и методы сказания на них положительного воспитательного воздействия. Раскрывается значение доверия уважения и психологического подхода в процессе воспитания ребёнка. Особое внимание уделяется вопросам формирования дисциплины ответственности и навыков конструктивного взаимодействия с учётом возрастных и психологических особенностей детей.

Также анализируются наиболее распространённые ошибки родителей и педагогов в общении с детьми и предлагаются практические рекомендации по их предотвращению. Материал статьи представляет практическую ценность для родителей педагогов и всех специалистов работающих с детьми.

Ключевые слова: воспитание детей, детская психология, общение с детьми, педагогический подход, дисциплина, ответственность, доверие уважение, семейное воспитание, педагогическое мастерство.

Аннотация: ушбу мақолада болалар билан самарали мулоқот қилиш ва уларга тўғри таъсир кўрсатиш усуллари таҳлил қилинади. Бола тарбиясида меҳр, ишонч ва психологик ёндашувнинг аҳамияти ёритиб берилади.

Шунингдек болалар психологиясини ҳисобга олган ҳолда интизомни шакллантириш, болада масъулият ва ҳурмат туйғусини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Мақола ота-оналар, педагоглар ва тарбиячилар учун амалий аҳамиятга эга. Болаларга сўз ўтказишда самарали тарбиявий ва психологик усулларни ёритиш, бола билан тўғри мулоқот ўрнатиш аҳамиятини тушунтириш, ҳамда ота-оналарга ва педагогларга амалий тавсиялар берилади.



Калит сўзлар: бола тарбияси, мулоқот маданияти, бола психологияси, тарбиявий ёндашув, интизом, ота-она масъулияти, педагогик маҳорат, психологик таъсир, ишонч, меҳр.

КИРИШ

Бола тарбияси инсоният ҳаётидаги энг масъулиятли ва нозик жараёнлардан бири ҳисобланади. Ҳар бир ота-она тарбиячи ёки педагог бола билан тўғри мулоқот қилиш уни тушуниш ва унга таъсир қила олишни истайди.

Бироқ болага сўз ўтказиш деганда фақат буйруқ бериш ёки қаттиққўллик тушунилмайди. Аксинча бу меҳр ишонч сабр ва тўғри ёндашув орқали боланинг қалбига йўл топиш санъатидир. Замонавий жамиятда болаларнинг фикрлаши хиссиётлари ва эҳтиёжлари аввалги даврларга нисбатан анча ўзгарган. Шу сабабли улар билан мулоқотда психологик ёндашув ҳурмат ва самимий муносабат муҳим аҳамият касб этади. Болани тинглаш унинг хис туйғуларини англаш ва тўғри йўналтириш орқали нафакат интизом балки соғлом шахс шаклланишига ҳам эришиш мумкин. Бола тарбиясида ҳатти-ҳаракатлар сўзлардан кўра таъсирлироқдир.

Болалар ота-оналарининг айтган гапларини чин дилдан айтяптими ёки йўқми буни синаб кўриш учун гўёки эшитмагандек тутадилар ва сиз маъқулламаган ҳатти-ҳаракатларини давом эттирадилар. Агар ота-она фават гапиришда давом этиб аммо бирор амалий чорага ўтмаса болалар айтилган гаплар эътиборга олинмаса ҳам бўладиган қуруқ сўз эканини ўрганиб оладилар.

Аввал ҳам улар оналарининг гапирганини насиҳат қилганини бақирганини бўш таҳдидлар қилганини аммо амалда ҳеч қандай чора кўрилмаганини тажриба орқали билиб олган бўладилар.

Болалар чегараларни синаб кўриш ва айтилган ишни бажармаслик учун гўёки спектакль уюштирадилар сизни ҳам шу ўйинга тортишга ҳаракат қиладилар. Бозор савдо марказлари ва умуман одам гавжум жойларда улар аввал ҳоҳлаган нарсасини сўрайди кейин ялинади ундан кейин йиғлайди бу ҳам фойда бермаса ўзини ерга ташлаб бақира бошлайди. Атрофдаги одамлар нима бўлаётганини тушуниш учун ерда ётган болага қарайдилар. Ота-она эса бегона нигоҳлардан ноқулай бўлиб болани тинчлантириш учун ҳоҳлаган нарсасини олиб беришга рози бўлади.

Бола эса ўз ўйинини муваффақият билан амалга оширганидан ота-онасини ўзига бўйсундириб истаганини қилдирганидан завқланади. Баъзи ота-оналар биз босим ва моддий қийинчи-Убилан болаларнинг ҳатти-ҳаракатларига чегара қўйишдан қочадилар ҳар бир истагини бажаришга ҳаракат қиладилар. Шу йўл билан руҳий жиҳатдан соғлом ва бахтли фарзанд тарбиялаймиз деб ўйлайдилар. Аммо натижа умуман бундай бўлмаслигини



болалар қоидага бўйсунмайдиган қаноатсиз эркатой ва ҳурматсиз бўлиб улғаяётганини кўриб ҳайрон қоладилар. Тасаввур қилинг; сиз машинангиз билан катта ва гавжум шаҳарда кетаётибсиз илгари ҳеч қачон бормаган бир манзилни топишга ҳаракат қиляпсиз. Бурилишларда умуман йўл кўрсатгич белгилар бўлмаганини тасаввур қилинг. Излаётган манзилни топиш учун ким билади неча марта нотўғри йўлга кирар неча бор хавфли ҳолатларга дуч келардингиз. Тўғри ва қабул қилинадиган хулқ атвори ўрганишга ҳаракат қилаётган болалар учун ҳам ҳолат худди шундай.

Сиз қўйган чегаралар йўл кўрсатувчи белгилар кабидир. Чегаралар ўйланганидек болаларнинг ҳуқуқларини чеклаш ёки уларга босим ўтказиш эмас.

Чегаралар болаларда ҳимояланганлик хавфсизликда эканлик ва қадрлаш ҳиссини уйғотади. Улар оиладаги қоидаларга риоя қилишни ҳамкорлик қилишни ва катталрни ҳурмат қилишни ўргатади. Масъулият ҳиссини шакллантиради. Чегаралар маъқулладиган ҳатти-ҳаракатларни белгилаб беради ва болага нотўғри хулқларини тузатиш имконини берувчи тарбиявий ҳамда ўргатувчи таъсирга эга. Ушбу мақола сизларга болаларга қандай қилиб тўғри чегаралар қўйишни уларга бақирмасдан асабийлашмасдан ва жазоламасдан туриб қандай сўз ўтказишни тушунтиришга ҳаракат қилади.

Қандай қилиб болаларга босим ўтказмасдан бизни тинглашга мажбурлашимиз мумкин. Ўз сўровингизни қисқа ва аниқ ифода этинг. Боланинг истакларини ўзингизнинг ҳоҳишингиз билан бирлаштиринг.

Кўпчилик оналар ўз истаклари ва фарзандларининг истакларини ўртасида алоқа ўрнатиш ва ҳамкорлик қилиш ўрнига салбий тилдан фойдаланиб таҳдид йўлини танлайдилар.

Уй вазифангни

тугатмагунингча ташқарига чиқмайсан?

Овқатни тугатмасдан олдин ширинлик емайсан?

Ота-оналар юқорида айтиб ўтилган таҳдидлар ва шартларга мурожаат қилмасдан ўз ҳоҳиш-истакларини фарзандларининг ҳоҳиш-истаклари билан уйғунлаштиришни ва келишув ва ҳамкорликга эришишни танлашлари мумкин.

Уй вазифангни бажариб бўлгач ташқарига чиқишинг мумкин..

Овқатингни тугатгандан кейин ширинлик ейишинг мумкин..

Ўз ҳоҳишингизни мажбурлаш ўрнига вариантлар орқали таклиф қилинг.

Болалар ёшидан қатъий назар мажбурлаш буйруқ ва тақиқларни ёқтиришмай-ди. Ўзига ишонган мустақил ва масъулиятни ўз зиммасига олишдан қўрқмайдиган болаларни тарбиялашни истаган ота-оналар уларга ўз ҳоҳиш-истакларини юклашга ҳаракат қилиш ўрнига уларни мажбурлаш ўрнига уларга таклиф қилишни афзал кўришади. Танлов ҳуқуқи берилган бола вақт ўтиши билан тўғри қарорлар қабул қилиш қобилиятини ривожлантиради ва ўзини ўзи бошқариш қобилиятига эга бўлади чунки улар танлаш ҳуқуқидан фойдаланмоқдалар.



Ўйинчоқларингни йиғиштирмасдан нонуштага келма - дейиш ўрнига
Ўйинчоқларингни нонуштадан олдинми ёки кейин йиғиштирасанми .
Уй вазифангни кечки овқатдан олдин бажаришинг керак - дейиш ўрнига
Уй вазифангни ҳозирми ёки кечки овқатдан кейинми бажарасан деб
айтинг.

Агар бола танлашга рози бўлмаса.

Бола сиз таклиф қилаётган вариантларни қабул қилишни истамаслиги ёки ўзи бошқа сўров билан мурожаат қилиши мумкин лекин агар у вариантларни танлай олмаса ва уятчанлик қилса сиз; танловни ўзинг қиласанми ёки мен сен учун танлашим керакми деб сўрашингиз мумкин. Агар улар танлашда давом этса сиз менинг сен учун танлашимни хоҳлайсан шекили деб айтинг ва ўзингиз танлов қилинг уни розилигини олинг. Баъзан фарзандингиз сиз таклиф қилаётган вариантларни ёқтирмаслиги ва ўз танловини қилишни хоҳлаши мумкин. Сиз таклиф қилган вариантларни такрорланг ва уларга биттасини танлашни айтинг.

Сўзларингиз олдиндан ҳукм қилувчи ва айбловчи бўлмасин яъни гапларингизда ноҳолислик ва айбланиш оҳанги бўлмасин. Ота-оналар одатда болаларига савол бераётганда айбловчи тилдан фойдаланадилар ва ўзларининг олдиндан шаклланган қарашларини акс эттирадилар. Қоидаларсиз оилада масъулият ҳисси ривожланмайди. Самарали ва ишлайдиган қоидалар муассасани қўллаб қувватлайди ва унга бошқаларга нисбатан устунлик беради.

Оила ижтимоий институтдир. Ҳар қандай муассаса сингари оилада ҳам ҳамкорликни ва оила аъзоларини ўртасида масъулиятни тақсимлашни тартибга солувчи қоидалар бўлиш керак. Болалар учун бу қоидаларни тушуниш қанчалик кам соддава осон бўлса уларни эслаб қолиш ва қўллаш шунчалик осон бўлади.

Ҳодиса содир бўлган пайтда қоидаларни ўрнатиш самарасиз. Бу ота-оналарни ўша вазиятда ёмон одам ҳолатига кўяди ва боланинг эътирозлари ва қаршиликлари сабаб бўлиши мумкин. Қоидалар олдиндан оилавий йиғилишда ўзаро муҳокама орқали ўрнатилиши керак. Биз ўрнатган қоидалар ҳамма учун тушунарли бўлиш керак улар талқин қилиниши мумкин эмас.

Келинг айниқса болаларга тегишли бўлган қоида кўриб чиқайлик.

Бир-бирингизни жонингизни оғритиш йўқ бир-бирингизни хафа қилиш йўқ Қоидаларни ўрнатиш ҳамма нарса муаммосиз кетишини кафолатламайди.

Муҳими қоиданинг амал қилиши яъни кундалик ҳаётда қўлланилиши .

Қоиданинг амал қилишини таъминлашнинг энг мантиқий усули шундаки у бузилганда уни бузган одам оқибатларга дуч келиши яъни жазо тўлаши керак.

Биз болаларга кундалик ҳаётдан мисоллар келтириш орқали қоидани бузишнинг оқибатларини тушунтиришим керак. Акс ҳолда бола оқибатни жазо



билан адаштириши мумкин. Табиат қонунларига мувофиқ ҳаракат қилмасак ёмон оқибатларга дуч келамиз кўпинча ёқимсиз нарх тўлаймиз.

Бола бир нима сўраганда ота-оналар ҲА ёки ЙЎҚ дейишдан олдин сўраган нарсаси эҳтиёжми ёки йўқми агар у ҳақиқий эҳтиёж бўлса керакли вақтда ва жойда ўринли ёки йўқлигини ўйлаб кўришлари керак шундан кейингина улар қарор қабул қилишлари керак. Баъзи ота-оналар ҳар бир истаги амалга ошган бола кўзи тўқ ва бахтли бўлишига ишонишади. Бироқ аслида бунинг акси ҳар бир истаги амалга ошган бола тўймас бўлиб қолади улар бор нарсаларининг қадрига етмайдилар эркатой ношукур ва ҳурматсиз бўлиб қоладилар. Хўш нега бундай бўлади? Келинг тушунтириб бераман.

Бола 5 ёшга тўлгунча эгосентрик шахсга эга бўлади. Улар ўзларини дунёнинг марказиман деб билишади. Улар инсонларга ва бўлиб ўтаётган воқеаларга ўз нуқтаи назаридан қарашади ва бошқалар ҳам худди шундай қарашади деб ўйлашади. Нарсаларни бошқалар билан баҳам кўришни ва воқеаларга бошқа назар билан қарашни билишмайди.

Бу эгосентрик шахсият боланинг ўзига ишончини ва ўзига ишончини ривожлантириш учун зарурий хусусиятдир бироқ бу хусусият кейинги йилларда ЭГОИЗМга айланишининг олдини олиш учун ота-оналар фарзандларини дўстлари билан овқат ёки ўйинчоқларни баҳам кўришга дўстлар билан ўйнаганда қоидаларга риоя қилишга ҳамкорлик қилишга ва бирор нарсага эришишдан олдин сабрли бўлиш кераклигини тушунишга ундашлари ва ўргатишлари керак. Агар ота-она боланинг бирон нарсага эҳтиёжи бор-йўқлигини унинг бунга лойиқ лойиқ эмаслигини вақти ва ўрни тўғри келадими -йўқми деб ўйламасдан ҳар бир истагини бажараверса ҳамма нарса тайёр бўлишига ўрганиб қолган бола худбинлик таъсирида шундай деб ўйлайди. Менинг ҳар бир ҳоҳишимни бажариш ота-онанинг вазифаси бунинг учун мен ҳаракат қилишим ёки сабр қилишим шарт эмас ҳоҳлашимнинг ўзи етарли шундай фикрдаги бола йўқ деган жавобни қабул қилолмайди. Вақти ва ўрни бор йўқлигини ўйламасдан МЕНга нима мен ҳоҳлайман деб туриб олади. Ота-она қоида қўйишда ва уни амалга оширишда етарли даражада қатъий бўлиши керак. Улар боланинг ўзларини бошқаришига йўл қўймасликлари лозим. Қоида қўяётганда яхшилаб ўйлаб иш тутишлари қоидани қўллаётганда эса қатъиятли бўлишлари керак. Болалар учун ишониш мумкин бўлган куч ва обрў-этиборга эга бўлишжуда муҳим.

Болаларнинг сизга итоат қилишини кутиш бошқа нарса улардан итоат қилишни талаб этиш эса бошқа нарса. Уларнинг ўз ўзидан итоат қилишини кутманг балки қатъий ва ишончли овоз билан итоат қилишларини талаб қилинг. Мақбул ечим нима?

Фарзандингиз билан тортишмасдан жаҳл қилмасдан ва бақирмасдан туриб ҳам ечим топишингиз мумкин. Бирор нарсани 5-6 марта такрорлагандан кейин гапи ўтадиган ота-она бўлишдан кўра бир марта айтгандаёқ сўзи



тингладиган ота-она бўлишни истамайсизми? Бироқ бунинг учун қатъиятли бўлишингиз керак. Фарзандингиз сиздаги бу ўзгаришни аввал ғалати қабул қилади ва қаршилик кўрсатади. У сизни ҳақиқатдан ҳам ўзгарганингизга ишонгиси келмайди ва сизни синаб кўради. Аммо сиз таслим бўлмаслигингизни ўз қарорингизда мустаҳкам туришингизни ва вазиятни назорат қилаётганингизни кўрган сари у ҳам бу ўзгаришга мослаша бошлайди.

ХУЛОСА.

Бола тарбиясида мақбул ечим жаҳл қилиш бақариш ва жазолашда эмас балки меҳр билан бирга қатъиятни сақлай билишдадир. Ота-она томонидан қўйилган аниқ қоидалар ва уларнинг изчил қўлланилиши болада масъулият интизом ва ўзини бошқариш кўникмаларини шакллантиради.

Фарзанднинг ҳар бир истагини дарҳол бажариш эмас балки унга сабр қилишни вазиятни тўғри баҳолашни ва чегараларга риоя қилишни ўргатиш муҳимдир. Шу тариқа ота-она ва фарзанд ўртасида ўзаро ҳурматга асосланган соғлом муносабатлар шаклланади ва тарбия жараёни самарали кечади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ali Çankırılı--- Çocuklara söz geçirme sanatı 2015.05.22
2. Prof.DR. Kemal Çakmaklı öğrenmek ve başarmak sanatı 2010.04.22
3. Kübra Tongar Çocukğa söz dınletecek cümleler. 2018.11.20